# Мустақиллик айёми муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 1 SENTYABR, SESHANBA, 103 (7564) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана – Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуғ ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобелик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзу-умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қанча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуғ ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришаётганимиз барчамизга ғурур ва мамнуният етказади, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислоҳотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охирги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин туғдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайрихоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва мадад бериб келаётган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизғин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, мўътабар кексаларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизни самимий кутлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажагимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик кутлуғ байрами билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 18 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди**




Ўн саккиз йил. Камолот ёши. Маънавий етуклик айёми. Билаклар кучга тўлган, юраклар ишонч, умид, муҳаббат билан депсинаётган навқиронлик палласи. Истиқлолимиз том маънода ана шу камолот ёшига қадам қўйди. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз салоҳияти, ўз сўзига эга, иқтисодий жиҳатдан қудратли, илму маърифат бобида беназир Ватанимизда бу йиллар янги жамият, янги давлат қуриш йўлида асрларга тенг ютуқлар қўлга киритилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамини нишонлаётган ватандошларимиз ҳаётимиздаги, турмушимиз, ўй-фикрларимиздаги улкан ўзгаришлар Истиқлол туфайли эканини теран англайдилар. "Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ушбу улуғ айём юртдошларимиз қалбига сўнгсиз ифтихор, ғурур бағишлайди.

2009 йил, 31 август. Бугун азим Тошкентнинг барча кўчалари бизни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига элтади.

(Давоми 2-саҳифада)

## АЖДОДЛАР ЁДИ МАНГУ

**Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами нишонланаётган шу кунларда Бўзсув соҳилидаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи зиёратчилар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу қадамжо нафақат шаҳидлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида мужассам этган тарих китобига ўхшайди.**

Бу ерда оталар осуда отаётган тонгларга шукрона келтиради. Соғ-саломат камолга етаётган фарзандлари бахтидан масрур оналар чеҳрасига табассум югуради. Хаёлан тарихнинг қоронғу кўчаларига назар ташлаган ёшлар тинчлик ва истиқлол нақадар улуғ неъматлар эканини англайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" хиёбони бунёд этилди. Мажмуа таркибида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаб келинади.

31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.



Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мана шундай муборак кунларда, шундай муқаддас жойларда туриб, одам беихтиёр бугунги тинч-осуда ҳаёт, бу кунларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаши табиий, албатта.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Оқсаройда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда икки ва кўп томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Р.Норланд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни икки томон учун манфаатли бўлган турли соҳаларда ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

***Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган почта маркаларининг махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди.***

Ўзида меъморчиликнинг қадимий ва замонавий анъаналарини мужассам этган пойтахтимиз қиёфаси 2200 йиллик юбилей арафасида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ушбу байрам муносабати билан Тошкент почтамптида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан ҳамкорликда почта маркаларини махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон филателистлар жамияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент юбилейига бағишланган почта маркаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Тошкент халқаро бизнес-маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, "Туркистон" саройи, Ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи бинолари ҳамда Буюк Ипак йўли харитасининг кўринишлари акс эттирилган.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2009 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Сенаторлар «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун бу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланганлиги ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, археология тадқиқотларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги бошқарув тизимини жорий этади, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини, ҳамма учун мажбурий бўлган қонуности ҳужжатларини қабул қилиш тартибини белгилайди. Қонун археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида уларни муҳофаза қилишнинг самарали механизмини яратади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг 5.2-бандини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига киритилаётган қўшимча эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўз розиликлари билан ўтишини белгилаб қўяди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185[2]-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади энергиянинг ҳар хил турларидан оқилона фойдаланиш, электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик ҳолатларини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратишдан иборат. Қонуннинг қоидалари жиноят тўғрисидаги ва маъмурий қонун ҳужжатларидаги тегишли камчиликларни бартараф этади, бундай ғайриқонуний ҳолатлар учун жавобгарликни белгилайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази



# Элларни, дилларни бирлаштирган оҳанглар

**29 август куни Самарқанд шаҳридаги "Регистон" майдонида "Шарқ тароналари" еттинчи халқаро мусиқа фестивалига якун ясалди.**

Анжуманнинг тантанали ёпилиш маросимида сўз олган "Шарқ тароналари" еттинчи халқаро мусиқа фестивали раиси Мун Хюнг Сук Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ушбу нуфузли анжуманни ташкил этишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб, меҳмондўстлик, самимий суҳбат ва муносабатлар учун барча ўзбекистонликларга миннатдорчилик билдирди.

Шундан сўнг фестиваль ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. Олий мукофот – Гран-при Туркманистоннинг "Алтин мензел" ансамбли иштирокчиси, Туркманистонда хизмат кўрсатган артист Лале Бегназаровага насиб этди. Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолғу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадиий жамоаси биринчи ўринни эгалладилар.

Иккинчи ўринга исроиллик ижрочи Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадиий жамоаси лойиқ деб топилди. Қувайт бадиий жамоаси ва италиялик Лаура Молликa хоним учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Мўғулистон, Хитой, АҚШ, Бангладеш, Ҳиндистон мамлакатларидан келган мусиқачилар эса халқаро ҳайъатнинг махсус соврини билан тақдирланди. "Мухлислар қалбидан жой олган" жамоа номинацияси бўйича ғолибликни Германия ва Эрон санъаткорлари қўлга киритишди. Самарқанд вилояти ҳокимлигининг "Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" соврини эса Қозоғистон ва Ҳиндистон бадиий жамоаларига топширилди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Самарқанд вилояти*

# "ТОШКЕНТ – 2200" АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

***"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа уйи томонидан Тошкент шаҳрининг қутлуғ тўйига бағишлаб "Тошкент-2200" альбоми нашр қилинди.***

Альбом Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз пойтахти ҳақидаги фикрлари билан бошланади. Юртбошимизнинг фикрларида, жумладан, шундай дейилади: "Йигирма икки аср аввал вужудга келган, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган Ватанимиз пойтахти – азим Тошкент серқуёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакрор кўрку тароватини ўзида яққол намоён этади".

Ноёб тарихий суратлар ва материаллар, чуқур илмий хулосалар, замонавий дизайн санъати ва матбаачилик ютуқлари асосида тайёрланган ушбу альбом уч бобдан иборат. "Тошкент қадимда ва ўрта асрларда" деб номланган дастлабки бобда Тошкент воҳасидаги энг қўҳна одамзот манзилгоҳлари, у ерлардан топилган меҳнат қуроллари, қоятошларга ишланган расмлар, фил суягидан ясалган ҳайкалча ва бошқа тарихий осори атиқалар ҳақида атрофлича фикр юритилади.

"Тошкент 1860-1990 йилларда" деб номланган иккинчи бобда тарихий лавҳа ва суратлар асосида пойтахтимизнинг XIX аср ўрталаридаги ҳамда чоризм мустамлакаси ва собиқ мустабид тузум давридаги мураккаб ҳаёти ҳақида сўз боради.

Альбомнинг учинчи боби "Бугунги Тошкент" деб аталади. Бу бобда Тошкент шаҳрида ўн саккиз йил давомида амалга оширилган улкан тарихий ишлар кенг ёритилади. Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Тошкент ўзининг пойтахт шаҳар мақомига, Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик сиёсий-маданий марказ сифатидаги ўрни ва мавқеига ҳар томонлама муносиб бўлиши учун унинг ривожига алоҳида эътибор бериб келаётгани, шаҳарни ривожлантириш концепцияси ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилгани алоҳида таъкидланади.




Альбом саҳифаларини безаб турган Оқсарой, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси сингари марказий раҳбарлик идораларининг бинолари, Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи каби ноёб мажмуалар, замонавий таълим, тиббиёт ва спорт масканлари, маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари, Тошкент аҳлининг бахтиёр чеҳралари акс этган фотосуратлар ва ёрқин лавҳаларда пойтахтимиз қиёфаси мустақиллик йилларида тубдан ўзгариб, бу азим шаҳарнинг Ўзбекистон пойтахти деган юксак мақомга ҳар томонлама муносиб бўлиб бораётгани ўз ифодасини топган.

**(ЎзА)**


Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат

## ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз саналган мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва тошкентликларни азим Тошкентнинг 2200 ёшга тўлиши муносабати билан қизғин табриклайди!



*Истиқлолимиз абадий бўлсин!*

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Аҳоли ва мижозларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб келаётган Халқ банкида яратилган "Uz TO'LOV" миллий тўловлар тизими имкониятларидан фойдаланинг. Мазкур тўлов орқали энди сиз коммунал ва бошқа маиший тўловлар учун нақд ва пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш, Интернет тармоғи ва мобиль телефон орқали ҳисоб-китоб қилиш, телефон орқали ҳисоб рақамларингизни бошқариш, маълумотлар олиш тўловларни амалга ошириш, шунингдек уяли телефонлари орқали барча сўзлашувлар учун тўловларни тўлаш, бундан ташқари республикамизнинг исталган шаҳри ва чекка қишлоғидан Халқ банкининг барча бўлимларига топширган маблағлар мамлакатимизнинг исталган ҳудудига тезкор ўтказиш ёки олиш имкониятларига эга бўласиз.

Мурожаат учун тел.: **150-12-91**

Хизматлар лицензияланган. Лиц. № 35.25.01.2003.







Тошкент в. ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари ягона тизими бошқармасининг Қибрай т. ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан Тошкент в. Қибрай т. Салар ШФЙда жойлашган Хабибулла Шералиевга тегишли исиқхонага берилган серия TV № 012618 ва 11-05-10-01-04-0021 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент кимё-технологиялари институти томонидан 2009 йили Абдиев Талъат Талипназарович номига берилган (рўйхат рақами 663) М № 040843 рақамли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Подлинники Устава и учредительного договора НПРП ООО "QADRIYAT-TA'MIR" (ИНН 201079322) Чиланзарского р-на г.Ташкента (зарегистрированный 24.09.2004 г.), юридический адрес: ул.Т.Тулы 1 туп. д.9, считать недействительным.

ЧФ "VOSITAKIMYO" (ИНН 205833157), зарегистрированное по адресу Ташкентская обл. Зангиатинский р-н Хонобод КФИ ул.Беруний туп.2 д.2, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 29.08.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 301-19-51.

ЧФ "OLMOS AGRO SHAMS" (ИНН 300690116), зарегистрированное Зангиатинского р-на Ташкентской обл. объявляет о своем преобразовании в ООО. Претензии принимаются Зангиатинский р-н Хонобод КФИ ул.Беруний, туп.2 д.2. Тел.: 301-19-51.

Утерянная круглая печать, выданный разрешительным отделом Шайхантахурского РОВД г.Ташкента на имя ЧП Иргашева Гафура Хасановича (ИНН 447658283), считать недействительным.


Давлат патентларига эга **"AVTOTRAK"®** корхонаси

**ЗИЛ..., ГАЗ-52,53..., ПАЗ..., КАВЗ** **автомобилларига дизеллар ўрнатади** **ва тегишли ҳужжатлар беради**

**Таъмирланган «Кожух-плита» дизели ва Д-243 (МТЗ), Д-28, А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авиа" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР; "ИКАРУС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ, "ЗИЛ" ВКЛАДИШЛАРИ, КС-25-61 РУСУМЛИ АВТОКРАН, "ЗИЛ КОРОБКА"си СОТАДИ.**

**Вилоятлардан келган электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ. Турар-жой билан таъминлаш мумкин.**

**Манзилимиз:** Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА-, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати. **Телефонлар: 159-48-00.**

*Хизматлар лицензияга эга*


## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот-1:** Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 630 ўқувчи ўринли 34-мактабни янги қурилиш. Янги қурилиш объекти бўйича қолдиқ ишларни якунига етказиш учун қайта танлов савдолари.

*Бошланғич нарх (қолдиқ маблағ)* — **124 877 603 сўм ҚҚС билан.**

*Бошланғич нарх (қолдиқ маблағ)* — **99 902 083 сўм ҚҚСсиз.**

Капитал таъмирлаш ишларини тугатиш муддати — **60 кун.**

***Таъмирлаш ишлари:* Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

*Савдо ташкилотчиси:* Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

***Буюртмачи манзили:* Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳкўчаси 17-уй. Телефон: 233-06-95.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳкўчаси 17-уй. Телефон: 233-06-95.

**Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш кун ва соатигача.**

Таклифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 19-уйда — Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида ўтказилади.

Утерянный гос.ордер № 01-01/18197 от 08.04.1994 г. права собственности на квартиру на имя Фролитова Владимира Ивановича, считать недействительным.

Утерянный план дома БТИ на квартиру расположенный по адресу г.Ташкент мик.р-н ТашГРЭС д.9 кв.10, выданный на имя Перегудовой Татьяны Алексеевны, считать недействительным.

Утерянный план дома БТИ на квартиру расположенный по адресу г.Ташкент Чиланзарский р-н мас.девятый д.4 кв-ра 65, выданный на имя Жумакуловой Умиди Ахатовны и договор купли-продажи за реестр. номером 1-13949 (17.11.2006 г.), считать недействительным.

## ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

**Инжиниринговая компания по КС хокимията Навоийской области ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

На объект:

**Лот № 2**

Лот № 2-1. "Строительство сельского врачебного пункта с обслуживанием населения от 1000 до 2000 посещений в центре ш/х "Бирлик" Тамдынского района Навоийской области".

*Стартовая стоимость заказчика* **без НДС 133 738 000 сум, с НДС 160 486 000 сум.**

*Срок завершения строительства* **50 дней.**

*Заказчик* **Инжиниринговая компания по КС Хокимията Навоийской области.**

*Расположенный* **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

*Финансирование осуществляется* **Лот № 2-1- за счет фонда развития и благоустройства села.**

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответсвовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.С.Айний-32.

**Тел.: 225-53-85, 225-52-38.**

Стоимость одного комплекта документов 70 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.С.Айний-32. Тел.: 225-53-85.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дня и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

"Ўзгипроўрмонлойиҳа" давлат корхонаси жамоаси ҳисобчи Ольга Александровна Мансуровага умр йўлдоши **Ҳикмат МАНСУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР КЕНГАШИ**

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган – 224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

**Реклама ва эълонлар** — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓣ-тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** А.ҚУЛМУРОДОВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-717, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.30
10310 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5